

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВА ДИЛНОЗА ФАРХАДОВНА

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА АСАБ
ТИЗИМИ ЗАРАРЛАНИШИНИНГ КЛИНИКАСИ ВА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2021

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мирзаева Дилноза Фархадовна

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда асаб тизими зарарланишининг клиникаси ва дифференциал диагностикасининг ўзига хос хусусиятлари..... 3

Мирзаева Дилноза Фархадовна

Особенности клиники и дифференциальной диагностики поражений нервной системы у ВИЧ-инфицированных детей..... 25

Mirzaeva Dilnoza Farkhadovna

Features of the clinic and differential diagnosis of lesions nervous system in HIV-infected children..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВА ДИЛНОЗА ФАРХАДОВНА

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА АСАБ
ТИЗИМИ ЗАРАРЛАНИШИНИНГ КЛИНИКАСИ ВА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Tib922 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шамансуров Шаанвар Шамуратович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Садикова Гулчехра Кабуловна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ашуров Зарифжон Шарифович
Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Дунёда одам иммунтанқислиги вируси (ОИВ) жаҳон соғлиқни сақлаш тизимининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, дунё аҳолисининг барча қатламларини қамраб олган. Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) ОИВ UNAIDS кўшма дастурига кўра «...эпидемиянинг бутун даврида глобал 78 миллион ОИВ-инфекцияси ҳолатлари, 2019 йилда дунёда 38 миллион ОИВ билан хасталанганлар ва улардан 1,8 миллионини эса – 15 ёшгача бўлган болалар ташкил қилган...»¹. Иммун тизим зарарланиши билан бирга ОИВ асаб тизими хужайраларига ҳам таъсир қилади. Дунёнинг турли мамлакатларида «...ОИВ инфекция кечиши клиник хусусиятлари асосан оппортунистик касалликларнинг табиатига, турига ва кечишига боғлиқлиги муҳим ҳисобланади...»². Ушбу хасталикнинг асоратларини олдини олиш ва касалликни самарали даволаш тизимини амалга ошириш бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Дунёда ОИВ инфекцияси билан хасталанган болаларда асаб тизими зарарланишининг клиникаси ва дифференциал диагностикасининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ОИВ инфекцияси билан хасталанган болаларда клиник-анамнестик маълумотларни баҳолаш; касаллик босқичи ва юқиш йўлларида боғлиқ ҳолда неврологик статусни баҳолаш; асаб тизими зарарланиш даражаси қиёсий ташҳисоти нейрофизиологик параметрларини аниқлаш, давони оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Асаб тизими зарарланиши симптомларини касаллик босқичига ва юқиш йўлларида боғлиқ ҳолда болаларда ОИВ инфекцияда асаб тизими зарарланиши қиёсий-ташҳисот мезонларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли юкумли ва соматик касалликларни ташҳислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташҳислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ОИВ билан хасталанган болалар орасида асаб тизими зарарланишининг дифференциал ташҳислашда

¹ Global AIDS Update, UNAIDS, 2019 йиллик ҳисоботлари

² Lauren N.Bowen, Bryan Smith, et al. HIV-1 associated opportunistic infection: Pathophysiology, diagnosis and treatment. Review// Nat Rev Neuro. 2016 Oct 27; №12, Vol.11, P.662-674.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650–сон «Ўзбекистонда 2017-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январидagi ПҚ–3493–сон «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммун танқислик вируси томонидан чақириладиган касалликларни тарқалишига қарши таъсир тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда ОИВ-инфекцияси бўлган болаларда нерв тизимини зарарланишини тарқалганлиги, клиник хусусиятлари, диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш масалалари кенг ёритилган, жумладан инфекцияни юқиш йўлини эътиборга олган ҳолда оппортунистик инфекциялар турини, патогенез механизмларини ва ҳавф омилларини аниқлашга қаратилган (Цинзерлинг В.А., 2014; Cohen S., Ter Stege J.A., 2015; Wagner GA, Chaillon A, Liu S, et al. 2016). ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда 70-80% ҳолда асаб тизими зарарланиши, ўткир ости ОИВ-энцефалитни клиник кўринишлари бир қатор ишларда кўрсатилган (Valcour V., Chalermchai T., 2012; Williams D.W., Calderon T.M., 2013; Tauber S.C., Staszewski O., 2016). Болаларда перинатал ОИВ-инфекциясининг юқишини асосий ҳавф омилларидан бўлиб онадаги вирус юкламанинг юқори даражаси ва жиддий иммуносупрессия ҳолати бўлиб ҳисобланган (Gomez C., Archila M., 2009; Cohen S., Caan M., 2016;). Шунингдек, ОИВ билан касалланган болаларда бош миyani МРТ сида оқ модданинг ўчоқли зарарланишлари кўрсатилган (Клаус З., Стефан Х., 2009; Askermann C, Andronikou S., 2014; Hoare J., Fouche J.P., 2015;).

ОИВ-инфекциясининг болалардаги полиморф клиник кўринишлари, юқиш йўлини эътиборга олган ҳолда оппортунистик инфекциялар: герпетик, цитомегаловирус инфекцияси, токсоплазмоз, хламидия, уреоплазма ва микоплазма инфекциялари билан зарарланиш аниқланган (Субханова Н.Р., 2007). Педиатрик ОИВ-инфекцияси масалалари (Ким О.В., 2012) болаларни парвариш қилишда мультидисциплинар ёндашувни жорий этишга бағишланган. ОИВ инфекция кечишининг клиник, иммунологик ва вирусологик ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ОИВ билан зарарланган болалар ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва

терапевтик тадбирлар мажмуаси такомиллаштирилган (Худайкулова Г.К., 2018).

Жаҳон ҳамжамиятининг ОИВ инфекция ва унинг оқибатларига қарши курашга қаратилган улкан саъй-ҳаракатлари ва ушбу соҳада мавжуд бўлган катта ютуқларга қарамай, ОИВ инфекцияли болаларда касаллик юқиш йўлини эътиборга олган ҳолда асаб тизими зарарланиш даражасини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда. ОИВ да болалар асаб тизимини бирламчи ёки иккиламчи зарарланиши, клиник-неврологик хусусиятлари, эрта ташхислаш, ОИВ инфекцияси билан хасталанган болаларда асаб тизими зарарланиши эрта ташхисоти кетма-кетлиги ва қиёсий ташхисотига ёндашувларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб тизимининг перинатал шикастланиши» (2014-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда касаллик босқичи ва юқиш йўллариغا боғлиқ асаб тизими зарарланиши клиник-неврологик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОИВ инфекцияси билан касалланган болалар касаллик босқичи ва юқиш йўллариغا боғлиқ ҳолда клиник-анамнестик маълумотларини баҳолаш;

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда ОИВ инфекция клиник босқичи ва юқиш йўллариغا боғлиқ неврологик статус баҳолаш;

болаларда ОИВ инфекцисияда асаб тизими зарарланиши ташхисоти ва қиёсий ташхисотида нейрофизиологик параметрлар (ЭЭГ, ЭМГ ва бош мия МРТ)ни баҳолаш;

асаб тизими зарарланиши симптомларини касаллик босқичига ва юқиш йўллариغا боғлиқ ҳолда болаларда ОИВ инфекцияда асаб тизими зарарланиши қиёсий-ташхисот мезонларини ишлаб чиқиш билан қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти республика Вирусология илмий - текшириш институти клиникаси бўлимида ОИВ инфекцияси билан касалланган бир ёшдан 16 ёшгача 118 нафар болалар ва назорат гуруҳига эса 1-сон шаҳар болалар клиник шифохонасининг неврология бўлимида 23 нафар ОИВ инфекцияси бўлмаган болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон намуналари, нейрофизиологик текширувлар намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик, лаборатор, нейровизуализацион, нейрофизиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда клиник-неврологик белгиларининг кўриниши ва кечиши ОИВ-инфекциясининг босқичига, касалликнинг юқиш йўлига ва оппортунистик инфекциялар турига боғлиқлиги асосланган;

ОИВ инфекциянинг IV клиник босқичида парентерал йўл билан касалланган болаларда ўткир ОИВ-энцефалитлар, ЦМВ ва герпетик энцефалитлар, перинатал йўл билан касалланган болаларда эса периферик нерв тизими зарарланиш синдромлари - БМН нейропатиялари ва дистал симметрик полинейропатиялар устун келганлиги аниқланган;

ОИВ инфекциясини парентерал йўли билан касалланган болаларда неврологик етишмовчилик белгилари ва касаллик кечуви перинатал йўл билан касалланган болаларга нисбатан оғир кечиши исботланган;

илк бор ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларда инфекциянинг юқиш йулини эътиборга олган ҳолда асаб тизими зарарланишининг қиёсий ташҳислаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий амалиёт шифокори болалардаги зўрайиб боровчи демиелинловчи жараёнга шубҳа қилган ҳолларда, ташхисотни аниқлаш мақсадида ОИВ инфекциясига текшириш тавсия қилинган;

одам иммунтанқислик вируси билан касалланган болаларда клиник-нейрофизиологик текширувлар натижалари амалиёт шифокорларига ўз вақтида неврологик ўзгаришларни аниқлаш ва неврологик давони эрта бошлаш, бу эса ўз навбатида болалар ногиронлигини камайтириш имконини берган;

одам иммунтанқислик вируси билан касалланган болаларда амбулатор ва стационар шароитларда марказий ва периферик нерв системасини зарарланишини ташхисот ва қиёсий ташхисот мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-неврологик, нейровизуализацион, нейрофизиологик ва статистик усуллар асосида ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда асаб тизими зарарланишининг клиникаси ва дифференциал ташхисотининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ОИВ инфекцияси билан парентерал ва перинатал йўл билан зарарланган болаларда касалликнинг босқичларини эътиборга олган ҳолда асаб тизими зарарланиши эрта ташхисоти, клиник хусусиятлари, ва қиёсий ташхисотига самарадор ёндашувлар ишлаб чиқишга имкон берган ва олинган маълумотлар

болаларда ОИВ-инфекцияда нерв тизими зарарланиши эрта ташхисоти ва қиёсий ташхисотини оптималлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти шундан иборатки, ОИВ билан касалланган болаларда неврологик бузилишларни эрта аниқлаш учун ишлаб чиқилган кетма-кетлик ўз вақтида ташхислаш, неврологик асоратларни олдини олиш, сонини камайтириш, ҳамда комплекс тиббий-ижтимоий реабилитацияни амалга ошириш ва ОИВ-серопозитив ва серонегатив болаларда марказий ва периферик асаб тизими зарарланиши қиёсий-ташхисот жадвали ушбу муаммоларга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш, уларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий мослашувининг яхшиланиши билан изоҳланади.

Олинган натижаларининг жорий қилиниши. ОИВ билан зарарланган болаларда асаб тизими зарарланиши клиникаси, ташхисоти хусусиятлари ва қиёсий ташхисоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«ОИВ билан зарарланган болаларда асаб тизими зарарланиши эрта ташхисоти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/150-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ОИВ-инфекцияси билан касалланган болаларда марказий ва периферик асаб тизими зарарланишини ўз вақтида ташхислаш ҳамда комплекс тиббий-ижтимоий реабилитацияни амалга оширишга имкон берган;

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда асаб тизими зарарланишини эрта ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, ОИТС билан курашиш маркази хузуридаги ихтисослаштирилган юқумли касалликлар клиникаси ҳамда Самарқанд вилояти ОИТС билан курашиш маркази хузуридаги ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохоналарнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 8н-з/151-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши орқали ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда нерв тизими зарарланишини ноҳуш оқибатларини тезлик билан олдиндан баҳолаш ҳамда неврологик асоратлар сонини камайтириш ва болаларда касаллик оқибатида ногиронлик даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ОИВ инфекцияси муаммосига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг шарҳи келтирилган. ОИВ билан хасталанган болаларда асаб тизими зарарланиши эпидемиологик, патогенетик ва клиник хусусиятлари ёритилган. Лаборатор ўзгаришларнинг илмий асосланган маълумотлари ҳамда ОИВ-билан зарарланган болаларда оппортунистик инфекциялар илмий асосланган маълумотлари келтирилган. ОИВ инфекцияли болаларни даволашда ЭЭГ, ЭМГ ва МРТ натижалари тасвирланган ҳамда мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Шахсий материалларнинг умумий тавсифи ва тадқиқотнинг асосий усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, замонавий ташхисот усуллари, нейровизуализацион, лаборатор текширувлардан фойдаланиш билан бирга тасвирланган. Ушбу тадқиқот асосида ОИВ инфекция билан 141 нафар бемор проспектив текшируви қўйилган. Ҳаммаси бўлиб 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган ОИВ инфекция билан 141 бемор текширилган, улардан 118 (66%) болалар «ОИВ инфекция» ўрнатилган ташхиси билан, қиёсий гуруҳни эса 23 (34%) ОИВ-серонегатив «Лейкоэнцефалопатия» ташхиси бўлган болалар ташкил қилди. Текширилганлар бирламчи бемор ёки 2007 йилдан 2017 йилгача Вирусология ИТИ ходимлари, ҳамда ТошВМОИ болалар неврологияси кафедраси ва №1 шаҳар клиник болалар шифохонаси неврологлари назорати остида бўлганлар.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда ЖССТ клиник таснифи асосида беморларга турли клиник босқичлар ўрнатилган. Демак, касаллик клиник белгилари I босқичда бўлмаслигини эътиборга олиб, шу клиник босқич ҳеч бир болада ўрнатилмаган. II клиник босқич 10 (8,5%) беморда, III клиник босқич - 56 (47,5%), IV клиник босқич эса - 52 (44,1%) ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда ўрнатилган.

Қўйилган вазифаларга боғлиқ барча беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган. **1-гуруҳга** 78 (66,1%) парентерал зарарланган болалар киритилган.

2-гурухни перинатал йўл билан зарарланган 40 (33,9%) ОИВ зарарланган болалар ташкил этди.

1-жадвал

Гуруҳларда текширилган болаларнинг демографик кўрсаткичлари

Ёши	1 гуруҳ (=78)		2 гуруҳ (=40)		3 гуруҳ (=23)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1-3 ёш	25	32,1	18	45,0	6	26,2
4-7 ёш	44	56,4	16	40,0	12	52,1
8-16 ёш	9	11,5	6	15,0	5	21,7
Эркак	55	70,5	18	45,0	9	39,1
Аёл	23	29,5	22	55,0	14	60,9

1 гуруҳда неврологик кўринишлар манифестацияси 4-7 ёшдаги (56,4%) болаларда устунлик қилган, чунки парентерал йўлда зарарланган кўп болаларнинг анамнезида асоратланган преморбид фон туфайли кўкрак ёшида қон ва унинг препаратлари қуйилган. Шу билан бирга неврологик симптоматика билан 1-3 ёшдаги болаларда 45% ҳолатларда, 4-7 ёшдаги болаларда эса 2-гуруҳда 40% ни ташкил қилди ва бир хил частота билан устунлик қилган, бу эса эрта ёшдаги ОИВ перинатал мулоқотда бўлган болалар организми бир хил заифлигидан далолат беради.

1-гуруҳда ўғил болалар 55 (70,5%) устунлиги қайд қилинган, бу ҳолатни эркак жинсили болаларнинг ҳатто болалик ёшида ҳам заифлиги билан тушунтириш мумкин, 2-гуруҳда эса ишончли фарқ кузатилмади. Ўғил болалар 45%, қиз болалар эса 55% ни ташкил этган. ОИВ инфекциясиз “лейкоэнцефалопатия” болалар гуруҳида қиз болалар устунлигини қайд этилди, ўғил болалар эса – 39,1% ни ташкил қилди.

Беморларда оилавий, эпидемиологик анамнез, соматик ва неврологик статус ўрганилиб, касаллик тарихи бўйича анамнез йиғиш, стандартлар асосида беморлар кўриги ўтказилди. Кўрсатмалар бўйича TORCH инфекцияга қон олинди, кўрсатмаларга мувофиқ фтизиатр, вирусолог томонидан, зарурат бўлганда бошқа тор мутахассислар томонидан маслаҳатлар ўтказилди. Стационар даволанган болаларга умумий қон таҳлили учун периферик қон текшируви (кенгайтирилган шакл) ва CD4 хужайраларга қон текшируви амалга оширилди. Кейинчалик барча болалар амбулатор кузатилди. Қон клиник текшируви Вирусология ИТИ клиник лабораториясида умум қабул қилинган услубда амалга оширилди.

Статистик таҳлил Microsoft Excel 2013 и SPSS 19 (IBM, USA) дастуридан фойдаланиб ўтказилди. Ишда тавсифловчи ва вариацион статистика усуллари қўлланилди. Икки мустақил гуруҳларни таққослаш микдор кўрсаткичлари учун Вилкоксон-Манн-Уитни нопараметрик мезони,

уч мустақил гуруҳлар учун Краскел-Уоллис бўйича вариациялар ранг тахлили ёрдамида амалга оширилди.

Сифат ўзгаришларини таққослаш учун χ^2 Пирсон мезони ишлатилди, керак бўлганда Йетснинг доимийлик учун тузатиши эътиборга олинди. Бир неча параметрлар тахлили ҳолатида фарқлар статистик аҳамияти аниқланганда устун (қатор) ларни бирлаштириш натижасида олинган тўрт майдонли пастки жадвалларни тахлил қилиш ўтказилди.

Натижалар тахлилини амалга оширишда $p < 0,05$ даги миқдорлар статистик аҳамиятли деб ҳисобланди, гуруҳларнинг кўп сонли жуфт қиёсланишида Бонферонни тузатиши эътиборга олинди.

Диссертациянинг «**ОИВ билан касалланган болаларнинг клиник ва анамнестик текширув натижалари**» деб номланган учинчи бобида оналар анамнези, ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари, янги туғилган чақалоқнинг туғилгандаги ҳолати, ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларда касаллик босқичи ва юқиш йўлларига боғлиқ клиник-неврологик ўзгаришларининг хусусиятлари ўрганилди.

ОИВ инфекцияси билан зарарланган болаларнинг оналарида анемия (55%), токсикоз (32,5%), ҳомила тушиш хавфи (25%) ОИВ серонегатив оналарга нисбатан ишончли кўпроқ қайд қилинган, бу эса ОИВ-серопозитив оналарда фон касалликларининг мавжудлиги, она ҳомиладорлик вақтида ОИВнинг IV босқичида бўлганлиги билан изоҳланади.

2-гуруҳ болаларнинг оналарида, яъни ушбу ҳомиладорликкача ОИВ зарарланганлар акушерлик анамнезида қуйидагилар аниқланди: 8% ОИВ зарарланган аёлларда 28 ҳафтада ўлик туғиш, 4% аёлда чуқур чала туғилиш оқибатида болалар ҳаётининг биринчи ҳафтасида нобуд бўлиш ҳоллари кузатилган.

Иккинчи гуруҳда гестация муддатининг кам бўлиши 28-37 (27,5% ҳолат) ҳафтасида болалар ишончли кўпроқ туғилган, бу эса зўраювчи антенатал ҳомила гипоксияси ҳақида далолат беради. 1 гуруҳда бу кўрсаткич 11,5% ни ташкил этган, қиёсий гуруҳда биз кам гестация муддати билан 4,3% туғилиш ҳолатларини қайд қилдик.

Соматик мойиллик ҳар икки гуруҳда намоён бўлиб, 1 ва 2 гуруҳларда анемия билан мос равишда 48,6% ва 50,0%, сепсис (32,5%) ва тез-тез ЎРВИ (30,0%) билан акс этган, улар ОИВ-серопозитив оналарда фон касалликлари ҳамда ҳомила ичи инфекциялари юқори фоизи ҳисобига перинатал зарарланган болалар гуруҳида ишончли юқори учраган. ОИВ инфекция кечишига преморбид фон таъсирини ҳам таъкидлаш зарур. Демак, сувчечак парентерал зарарланган болалар гуруҳида ишончли юқори бўлган ва 9,0% ни ташкил қилган, 3 гуруҳда ушбу кўрсаткич 8,7% ни ташкил этган, бу ушбу касалликлар этиологиясида суст кечувчи инфекциялардан далолат беради, шу билан бирга ОИВ зарарланган оналардан туғилган болалар 2,5% ни ташкил қилган. Эрта даврда жаррохлик амалиётлари (ичак тутилиши, туғма пилоростеноз, туғма гидроцефалия) фақат парентерал зарарланган болалар гуруҳида учраган, уларга эрта ёшда жаррохлик аралашувлари амалга оширилган (зарарланиш эҳтимол операция вақтида бўлган). «Соматик

наслийлик» таққослаш гуруҳида бошқа гуруҳларга нисбатан ишончли ($p < 0,001$) кам бўлган. Триггер механизм 3 гуруҳда ёпиқ бош мия жароҳатлари бўлган.

ОИВ инфекцияси муҳим хусусияти клиник кўринишларнинг турли манифестацияси ҳисобланади. Тарқоқ лимфаденопатия (75,0%), гепатоспленомегалия (75,0%), бронх-ўпка патологияси (100%) ва диарея (75%) перинатал зарарланган болаларда касаллик II клиник босқичи билан парентерал йўл билан зарарланган болаларга нисбатан ишончли ($p < 0,001$) юқори кузатилган. Тана вазни етишмовчилиги барча босқичларда перинатал зарарланган болалар гуруҳида ишончли юқори ($p < 0,001$) бўлган ва касаллик IV клиник босқичида 100% га етган. Бу маълумотларни 2-гуруҳда болалар туғилганда ишончли кам вазнга эгаллиги билан тушунтириш мумкин. 2 гуруҳ болалари вазни секинлик билан қўшган, шу билан бирга 1 гуруҳ болалари касаллик нисбатан тез кечиши сабабли вазн қўшмаган.

Шундай қилиб, ОИВ-серопозитив оналардан туғилган болаларда парентерал зарарланган болаларга нисбатан анча яққол намоён бўлган суслик кузатилган, у иммунтанқислик натижасида авж олиб, касалликнинг III ва IV клиник босқичларида яққол намоён бўлган. 3 гуруҳда соматик суслик ишончли паст бўлган, ОИВ инфекциясига хос узок муддатли диарея, харорат, кандидоз ва ҳк. каби симптомлар учрамаган.


Ҳар икки гуруҳда бош мия жуфт (БМЖ) нервлари томонидан II клиник босқичдаги болаларда юз ва тилости нервлари марказий парези кўринишида энгил ўзгаришлар қайд қилинган. Ҳаракат ўзгаришларида пай рефлексларининг ошиши ва уларнинг асимметрияси кузатилган. Жиддий ўчоқли ўзгаришлар кузатилмаган.

ОИВ зарарланган III клиник босқичли болаларга нисбатан 1 гуруҳ болаларида цитомегаловирус этиологияли ўтказилган ўткир энцефалит оқибатида кўрув нервининг амавроз кўринишида зарарланиши қайд этилган, иккинчи гуруҳдаги болаларда кўриш ўткирлигининг пасайиши ва гемианопсия аниқланган, улар бош мия пўстлоғи энса қисми зарарланиши ҳисобига бўлиши мумкин. Яқинлашувчи страбизм кўринишида кўзни ҳаракатга келтирувчи нерв зарарланиши 2 гуруҳда ишончли кўпроқ – 22,2%, узоклашувчи страбизм – парентерал зарарланган болаларда 10,5% ҳолатда кузатилган, бу бош миянинг бирламчи - ОИВ ёки иккиламчи - оппортунистик инфекциялар оқибатида органик зарарланишидан далолат беради.

Бурун-лаб бурмалари асимметрияси ва тил девиацияси VII ва XII жуфт бош мия нервлари марказий зарарланишидан далолат бериб, 2 гуруҳ беморларида ишончли кўпроқ кузатилган ва ҳақиқатдан перинатал даврда бу гуруҳ беморлари юқори заифлиги ҳақида далолат беради.

Юқиш йўлларида боғлиқ ОИВ инфекцияси III клиник босқичдаги болаларда ҳаракат тизимининг таҳлил натижалари, оёқ ва қўлларда мушаклар тонусини спастик типда ошиши - пирамидал етишмовчиликни кўрсатди ва касаллик барча босқичларида бир хил частота билан учраб, жараён авж олиши билан ошиб борди. Мушак тонуси пасайиши унинг ошишига нисбатан ишончли кўпроқ (II клиник босқич) кузатилган ва IV

клиник босқичга келиб кўпайган, ва шунга мос равишда 1 гуруҳда – 55,8%, иккинчи гуруҳда – 61,2%. Дистония аломатлари 1 гуруҳда ишончли юқори бўлган ва энг юқори частотаси касаллик III клиник босқичида – 15,7% қайд қилинган.



1-расм. БМЖ нервларини гуруҳлараро зарарланиш частотаси

Экстрапирамидал бузилишлар гипотоник-гиперкинетик синдром, юз, оёқ-қўллар миоклониялари, тремор кўринишида зўравонлик ҳаракатлари ривожланиши билан 2 (5,2%) болада III клиник босқичда ва 1 гуруҳда касаллик IV клиник босқичида 3 (8,8%) болада намоён бўлган.

Мияча зарарланиши динамик атаксия кўринишида касаллик эрта босқичларида, ҳам 1, ҳам 2 гуруҳда қайд қилинган, унда касаллик III клиник босқичида энг юқори фоизи кузатилган, координация тизими эрта зарарланишини тасдиқлайди. Бошида беморлар нозик ҳаракатларни бажаришда ноқулайлик сезган, манзилга аниқ йуналтира олмаслик, интенцион тремор кузатилган, кейин динамик атаксия белгилари юзага келган. Бир беморда статик атаксия ҳолатлари мустақил юришни имконсиз қилди.

Айтиш лозим-ки, парестезия ва гипестезия кўринишида сезувчанлик бузилиши III клиник босқич билан 1 гуруҳда 4 (10,5%) беморда, IV клиник босқичда 7 беморда намоён бўлган, бу 20,5% ни ташкил этган. Иккинчи гуруҳда сезувчанлик бузилиши фақат касалликнинг кеч босқичларида (IV босқич) қайд қилиниб, бу кўрсаткич 22,2% ни ташкил этган.

Вегетатив ўзгаришлар тери қопламлари мармарсимонлиги, гипергидроз, дистал гипотермия, терморегуляция бузилиши, АБ ва пульс лабиллиги билан намоён бўлган. Улар ҳар икки гуруҳда касалликнинг III клиник босқичидан деярли бир хил даражада намоён бўлган. Ушбу кўринишлар вегетатив нерв тизими сегмент усти соҳаларининг зарарланишини далолатидир.

Беморларда тос аъзолари фаолиятининг бузилишларини ҳам қайд қилиш зарур: марказий типда тос бузилишлари фақат касаллик тарқоқ босқичида 1 гуруҳда – 5,9%, иккинчи гуруҳда – 5,6% ҳолатда кузатилган. Ҳар икки гуруҳда тос бузилишлари периферик типда ишончли кўп кузатилган. Демак, 1 гуруҳда бундай беморлар сони 3 (8,8%) ни ташкил қилган, иккинчи гуруҳда 4 (22,2%) беморда кузатилган. Ушбу ҳолат перинатал йўл билан зарарланган болаларда асаб тизими периферик қисмини зарарланишга мойиллигидан далолат беради.

III клиник босқичда гуруҳлараро когнитив функцияларда ишончли фарқ бўлмаган. 1 гуруҳдаги болалар сони 24 (63,2%) ни ташкил этган, 2 гуруҳдаги болаларда ушбу кўрсаткич 66,6% ни ташкил қилган. Болалар мактаб ёшидаги тенгқурларидан орқада қолган, ўқишга қизиқиши йўқолган, эрта ёшдаги болалар янги кўникмаларни эгаллашдан тўхтаган. IV клиник босқичда когнитив бузилишлари бўлган болалар ишончли ошган ($p>0,001$), аммо гуруҳлараро ишончли фарқ кузатилмаган, чунки парентерал зарарланган 30та (88,2%) болада ва перинатал зарарланган 15 (83,3%) болада когнитив бузилишлар аниқланган. Айтиш жоиз-ки, ОИВ-инфекцияси билан зарарланган болалар ота-онасида болалар неврологига мурожаат қилишига сабаб кўпгина ҳолларда рухий ва нутқ ривожланиши орқада қолиши бўлган.

Болаларнинг асосий гуруҳида (30%) мотор ва рухий (аввало - нутқ) функциялар ривожланиши орқада қолиши устунлик қилган. Уларни текшириш учун биз психологик тестлар ўтказдик. Биз томонимиздан рухий ва нутқ ривожланишини баҳолаш «Бу расмларда нима етишмайди?», «Бу ерда нима ортиқча?» каби идрок тестларини ва нутқ ривожланиши даражасини аниқлаш учун «Сўзларни айт» тестини қўллаб амалга оширилди, улар 1 гуруҳдаги 55% болаларда диққат, мантиқ бузилиши мавжудлигини аниқлади ва ҳк.

Неврологик кўринишлар семиотикасини шартли равишда функционал ва органикга бўлиш мумкин. Функционал ўзгаришлар ҳар икки гуруҳларда (перинатал ва парентерал гуруҳлар) касаллик II клиник босқичига хос бўлди, II клиник босқичда ишончли фарқлар бўлмаган, шикоятлар, клиник тавсиф ва неврологик синдромлар функционал характерга эга бўлди, болаларда ўчоқли симптомлар кузатилмади.

ОИВ энцефалопатияси иккала гуруҳ беморларида кузатилди ва ўткир ости кечувга хос бўлди.

2-жадвал.

Болаларда ўткир ости ОИВ-энцефалитнинг клиник кўринишлари

Зўрайиб борувчи характерга эга неврологик синдромлар	Абсолют кўрсаткичлар	%
Когнитив ўзгаришлар	35	76,0
Нутқдаги ўзгаришлар	38	82,6

Харакат ўзгаришлар	33	71,7
• пирамида	28	60,9
• экстрапирамида	2	4,3
• мияча	3	6,5
Микроцефалия	5	10,8
Гипертензион-гидроцефал синдром белгилар	2	4,3
Тутқанок хуружлари	4	8,7

ОИВ билан касалланган 118 боладан биз 44 (37,2%) ни танлаб олдик, уларга CDC мезонлари бўйича «Ўткир ости ОИВ энцефалит» ташхиси қўйилди. 1 гуруҳда болаларда ОИВ энцефалопатия III клиник босқичда 15 (39,5%) беморда, IV клиник босқичда 17 (50,0%) беморда кузатилди. 2 гуруҳда ОИВ энцефалопатия бир хил миқдорда (8 беморда 44,4%) касалликнинг ҳам III, ҳам IV клиник босқичида қайд қилинди. ОИВ энцефалопатия клиник кўринишлари зўрайиб боровчи когнитив ва харакат бузилишлари билан тавсифланди ва нейровизуализация усуллари билан тасдиқланди.

ОИВ энцефалит билан болаларнинг зарарланиши, асосий неврологик синдромлар зўраювчи нутқ, рухий ва мотор функциялари билан ифодаланди. Бунда эътиборни шунга қаратиш керак-ки, ОИВ-зарарланган болалар нафақат янги кўникмаларни эгаллади, балки ўша даврдаги кўникмаларни ҳам йўқотди ҳамда рухий, нутқ ва мотор функциялар авж олиши кузатилди. 35 (76,0%) беморда авж олувчи когнитив бузилишлар кузатилди. Болаларда нутқ бузилишлари ҳам аҳамиятлидир. Нутқ ривожланиши кечикиши 38 (82,6%) беморда ташхисланган. Авж олувчи харакат бузилишлари 33 (71,7%) беморда намоён бўлган, улардан пирамидал етишмовчилик 28 (60,9%) беморда, авж олувчи экстрапирамидал етишмовчилик гиперкинезлар, мушак тонусларида пластиклик, юриш ўзгариши кўринишида ОИВ-зарарланган 2 (4,3%) болада қайд қилинган, мияча симптоматикаси бизнинг тадқиқотимизда атаксия ва интенцион тремор кўринишида 3 (6,5%) беморда кузатилган. Ўткир ости ОИВ-энцефалит таркибида конвульсив синдром биз томонимиздан 4 (8,7%) беморда қайд қилинган. Хуружлар уч беморда фокал (мураккаб парциал) бўлса, бир беморда эса тарқоқ тоник-клоник хуружлар қайд қилинган.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкин-ки, ОИВ полиморф неврологик симптоматика билан нейроинфекцион жараёни юзага келтиради. Ўткир ости ОИВ-энцефалит камроқ намоён бўлган клиник кўринишлар полиморфизми ва жумладан, рухийнутқий ва мотор ривожланишдан ортда қолиш билан тавсифланади.

Ўткир ОИВ энцефалит 1 гуруҳ беморларда III клиник босқичда 1 (5,8%), IV клиник босқичда 3 (8,9%) беморда ривожланди, шу билан бирга 2 гуруҳда биз фақат IV клиник босқичда 1 нафар беморда касалликни кузатдик.

Бевосита инсон иммунтанқислиги вируси келтириб чиқарадиган асаб тизими касалликлари структурасида дистал симметрик полинейропатия

алохида ўрин эгаллайди. Бизнинг тадқиқотимизда ушбу касаллик перинатал зарарланиш йўли билан 3 ёшдан катта 2 беморда қайд қилинган. Болаларда ушбу касаллик илк кўринишлари ва болалар неврологига мурожаатга сабаб оёқларда оғриқлар ва ҳаракат бузилишлари бўлган. Кейинчалик оёқлар дистал бўлимлари атрофияси кўзга ташланди. Айтиш лозим-ки, бу беморлар антиретровирус даволаш қабул қилмаган.

Нуклеозид нейропатиялар ретровирусга қарши дориларнинг ноҳуш таъсири сифатида бизнинг тадқиқотимизда 2 болада ташхисланган.

Бош мия нервлари ўткир монойропатиялари: парентерал зарарланган болаларда V бош мия жуфт нервлари ва VIII бош мия жуфт нервларининг 5,9% дан VII бош мия жуфт нервининг зарарланиши 11,8% кузатилди. Юз нерви периферик неврити икки беморда йил мобайнида қайталанди ва давомий кечувга эга бўлди. Юз неврити барча ҳолатларида этиологик омил герпес вирус инфекцияси бўлди.

Касалликнинг IV клиник босқичида фақат парентерал зарарланган болаларда эпилептик пароксизмлар 3 (8,8%) болада кузатилди. Мураккаб парциал ҳужумлар биз томонимиздан 2 (5,9%) беморда қайд қилинган, улар анитэпилептик препаратлар билан тўхтатилган. Бир беморда ҳужумлар тарқоқ характерда бўлиб ва ўтказилган давога резистентликка эга бўлган.

Болаларда марказий асаб тизими оппортунистик инфекциялари катталарга нисбатан камроқ қайд қилинади. Бизнинг тадқиқотимизда бу кўрсаткич 3,7% ни ташкил этган. Тарқоқ ОГВ-инфекция герпетик менингоэнцефалит кўринишида 1 гуруҳдаги 2 (5,8%) болада касалликнинг ривожланган босқичида ривожланган.

Биз 2 (5,9%) беморда ЦМВ-энцефалит ҳамда 2 (5,9%) беморда герпетик энцефалит кузатдик. Икки касаллик жуда оғир кечди, бу карлик, амавроз ва чуқур органик ўзгаришлар билан ифодаланиб, беморлар ногиронлигига олиб келди. Бунда 2 гуруҳдаги ўткир ЦМВ ва герпетик энцефалит ҳолатлари қайд қилинмагани эътиборни тортди.

3 гуруҳда фақат 2 (8,7%) боланинг қон таҳлилида биз ОГВ IgG кузатдик, ушбу ҳолат сурункали жараёндан далолат берди.

Мия қон айланишининг ўткир бузилиши биз томонимиздан ҳар бир гуруҳдан бир беморда IV клиник босқичда ташхисланди. 1 гуруҳ беморида ўрта мия артерияси ҳавзасида ишемик инсульт 14 ёшда яққол иммуносупрессия фонида юзага келди (CD4 ҳужайралар мутлақ сони 13 бўлди) ва ОИВ-инфекция асосий кўриниши ва болалар неврологига мурожаат учун шошилиш сабаб бўлди. Иккинчи гуруҳдаги болада БМҚАЎБ (бош мия қон айланиши ўткир бузилиши) 6 ёшда геморрагик типда қайд этилди.


Юқиш йўллариға боғлиқ ОИВ-инфекция неврологик кўринишларининг таҳлилида қайд қилиш мумкин-ки, яққоллиги ва частотаси касаллик босқичига боғлиқ ошиб борган, яъни иммун танқислик авж олиши мобайнида. Бу айниқса, ОИВ III ва IV клиник босқичидаги болаларда кўзга ташланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, парентерал йул билан зарарланган болаларда ОИВ нинг клиник кўринишлари яққол ўзгаришлар билан ифодаланиб, анча тажавузкорроқ кечади. Бундай беморларнинг структурасида перинатал йул билан зарарланганларга нисбатан асаб тизими томонидан гетероген ва мультифокал ўзгаришлар хос бўлиб, ҳаёт давомийлиги ҳам анча кискка бўлиши хусусиятлидир. Ўз ўрнида перинатал контактга эга болаларда демиелинловчи касалликлар билан ва ОИВ-серонегативликка эга болаларга нисбатан кўпинча ривожланиш нуқсонлари, чала туғилиш, кандидоз, тарқоқ лимфаденопатия, гепатоспленомегалия аниқланади.

